

Ушбу бетакрор қурилиш янги Ўзбекистоннинг улкан имкониятларини яққол намоён этади. Зиёратгоҳ халқимиз учун, жаҳондаги барча мусулмонлар учун эззулик ва маърифат нурини таратадиган қутлуғ масканга айланади деб ишонаман. Аминманки, бу даргоҳни зиёрат қилиб, унинг маънавий муҳитидан баҳраманд бўлган инсон, айниқса, ёшлар ислом динининг асл маъносини англаб этади, тўғри йўлдан адашмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Имом Бухорий мажмуаси

Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган сурат



ЖАҲОНГИРНИНГ «ОЛТИН» ВА «КУМУШ»ЛАРИ

2026 йилнинг 2-5 апрель кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида сузиш бўйича нуфузли халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 100 дан ортиқ давлатдан 1600 дан зиёд спортчи иштирок этди.

Маъмур мусобақа 2026 йилда Сенегалнинг Дакар шаҳрида бўлиб ўтадиган ўсмирлар Олимпия ўйинлари учун саралаш турнири сифатида катта аҳамиятга эга эди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига қарашли Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси, 16 ёшли Жаҳонгир Марваров кўрсатган натижалар кўпчилигининг эътиборини тортди. Ёш спортчи турнирда иккита олтин ва битта кумуш медалга эга бўлиб, умумий медаллар жадалида кучли учликка кирди.

Жаҳонгир Марваровнинг натижалари:

200 метрга комплекс усулда сузиш: 2:08.64 – 1-ўрин

800 метрга эркин сузиш: 8:40.38 – 1-ўрин

400 метрга комплекс усулда сузиш: 4:41.00 – 2-ўрин

100 метрга эркин сузиш: 51.87 – 4-ўрин

50 метрга эркин сузиш: 23:99 – 6-ўрин

Жаҳонгир 200 метрга комплекс ва 100 метрга эркин усулда сузиш бўйича кўрсатган натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси спорт устаси талабини бажарди.

Гулюз САЙФИДДИНОВА

Тадбир

ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар мазмун-моҳиятига бағишлаб давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда турли корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ёш ходимлар ҳамда талабалар қатнашди.

Мулоқот давомида таъкидланганидек, меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни шакллантириш, ўзаро ҳурмат ва тенглик тамойилларини мустақамлаш ҳар бир иш берувчи ва ходимнинг вазифаси ҳисобланади.

Қонунчиликдаги янгилликлар, хотин-қизлар учун яратилган қўшимча имкониятлар ва ҳимоя механизмлари юзасидан иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз



ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА ЖУРНАЛИСТИКА

таҳлил, таққос,
тажриба ва хулосалар

3-саҳифада ўқинг >>>>

КАСАБАЧИЛАР ТАФАККУР БАҲСИДА

Бир неча йилдирки, «Заковат» интеллектуал беллашувлари Ўзбекистон касба уюшмалари тизимидаги барча меҳнат жамоаларининг ҳам сеvimли тадбирига айланган. Яқинда Федерациянинг Сирдарё вилояти кенгаши томонидан Гулистон шаҳридаги Ёшлар маркази биносида корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ёш ходимлар ўртасида интеллектуал ўйин ташкил этилди. Билимлар белла-

шувида 10 дан ортиқ жамоа ўзаро куч синашди.

Мурасиз кечган баҳсларда иштирокчилар турли саволларга жавоб бериб, билим ва заковатларини намоён этишди. Айниқса, мантқиқий фикрлашни талаб қиладиган жумбоқлар, жамоавий муҳокамалар ва тезкор қарор қабул қилиш жараёнлари мусобақа қизгин ўтишига хизмат қилди.

Натижаларга кўра, 1-ўринни ИИБ Сирдарё академик лицейи-

Беллашув

нинг «Турон» жамоаси, 2-ўринни Гулистон тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг «Сарбон» жамоаси ва 3-ўринни Агрисаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси вилоят тармоғининг «Агрисаноат» жамоаси эгаллади.

Тадбир якунида ғолиб жамоаларга ҳамда номинатсиялар бўйича фаол иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилнавоз САИДОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

«Ishonch»да чоп этилгач...

СУДЛАШМАЙДИГАН БЎЛДИК

Жорий йилнинг 21 февраль куни «Ishonch» газетаси ва ishonch.uz сайти орқали Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига «Яна судлашамизми?» сарлавҳали мақола билан мурожаат қилган эдик.



Унда Хоразм вилояти Хива туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Марям Юсупованинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш масаласи кўтарилган. У 2023 йил 1 март куни хизмат вазифасини бажараётган вақтда йиқилиб, оғир тан жароҳати олган. Шу вақтга қадар унга тайинланган бир йўла ва ойма-ой тўловлар касба уюшмаси аралашуви билан суд тартибда ундирилган эди. Хусусан, Хоразм вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 23 декабрдаги ажримига мувофиқ, унга 2024 йил 1

ноябрдан 2025 йил 1 майгача бўлган давр учун 16 миллион 145 минг 286 сўм асосий зарар ҳамда 38 миллион 199 минг 746 сўм компенсация ундириш белгиланган. Ушбу маблағлар 2026 йил январь ойида Мажбурий ижро бюроси томонидан ундириб берилган.

Ўрганишлар давомида Марям Юсуповага тегишли ойма-ой тўловлар ва компенсацияларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш жараёнида Солиқ кодексининг 369-моддаси талабларига тўлиқ риоя қилинмагани аниқланди. Шунингдек, 2025 йил 1 майдан кейинги давр учун белгиланган ойма-ой тўловлар ҳам ўз вақтида амалга оширилмаган.

Бизнинг чиқишимизга Хоразм вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси расмий муносабат билдирди. Унда Хива туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактаби директорининг 2026 йил 22 январдаги буйруғига асосан, ходимга тегишли зарар ва

компенсация пуллари 2026 йил 3 февралда белгиланган тартибда тўлангани маълум қилинган. Шунингдек, 2025 йил 1 майдан кейинги давр учун ойма-ой тўловлар ҳам Солиқ кодексининг 369-моддаси талабларига мувофиқ ўз вақтида тўланиши қайд этилган. Қолаверса, бошқарма бошлиғи биз билан боғланиб, ушбу масала шахсий назоратига олинганини, бундан бунён тўловлар ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри амалга оширилишини маълум қилди.

Марям Юсупованинг айтишича, унга 2025 йил 1 майдан 2026 йил 1 апрелгача бўлган давр учун 48 миллион 166 минг сўм миқдорда ойма-ой тўловлар ҳамда Солиқ кодексининг 369-моддаси талабларига мувофиқ ҳисобланган тафовут пули тўлиқ тўлаб берилган.

Эркинбой БАЙЖАНОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгашининг меҳнат техник инспектори



Олий таълимда катта ўзгаришлар: ЯНГИ НИЗОМ ТАСДИҚЛАНДИ



Батафсил маълумот олиш учун ishonch.uz га ўтинг:

АРИҚ ВА ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ КЎМИБ ТАШЛАГАНЛАР ЖАРИМАГА ТОРТИЛАДИ



Ishonch.uz га ўтиб, батафсил ахборотга эга бўлинг:

Илм ила кўнглинг чароғ қилгай,
Билим аҳли юксак бўлгай.
Алишер Навоий

Тақдимот

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгашида «Бунёдкорлик ва бирдамлик. Ўзбекистон касаб уюшмалари 120 йил» тўплами ҳамда икки томли «Ўзбекистон касаб уюшмалари. 120 йил халқ билан» китобининг тақдими ўтказилди. Уни кенгаш раиси Гулсара Курбонбоева олиб борди.

120 йил халқ билан

Депутатлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, шоир ва ёзувчилар, касаб фаоллари иштирокида ўтган тадбирда ушбу китобларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

– Турли лавозимларда самарали фаолият кўрсатдим. Айниқса, Хоразм вилояти касаб уюшмаси ташкилотига раҳбарлик қилган даврларимни ҳар доим мамнуният билан эсламан ва бу ташкилотни халққа яқин, деб биламан. Унинг сафи янада кенгайишни истайман. Икки жилди «Ўзбекистон касаб уюшмалари. 120 йил халқ билан» китобини қўлимга олар эканман, ўзим ҳам шу тарихнинг бир қисми эканлигимдан гурулдандим, – деди Раҳимберган Матрасулов.

– Ўн йил аввал ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида қолиб ҳаётда ўз ўрнини тополмай юрган киз эдим. Давлатимиз раҳбари томонидан жорий қилинган «Аёллар дафтари» қийин аҳволга тушиб қолган минг-минглаб аёлларнинг тақдирини ўзгартирди. Мен ҳам шу

дафтарга киритилиб, қадимни тикладим, ҳатто бошқаларга қўмақладим. Камтарона ҳиссам туроқда ўтган тадбирда ушбу китобларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

– Турли лавозимларда самарали фаолият кўрсатдим. Айниқса, Хоразм вилояти касаб уюшмаси ташкилотига раҳбарлик қилган даврларимни ҳар доим мамнуният билан эсламан ва бу ташкилотни халққа яқин, деб биламан. Унинг сафи янада кенгайишни истайман. Икки жилди «Ўзбекистон касаб уюшмалари. 120 йил халқ билан» китобини қўлимга олар эканман, ўзим ҳам шу тарихнинг бир қисми эканлигимдан гурулдандим, – деди Раҳимберган Матрасулов.

– Ўн йил аввал ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида қолиб ҳаётда ўз ўрнини тополмай юрган киз эдим. Давлатимиз раҳбари томонидан жорий қилинган «Аёллар дафтари» қийин аҳволга тушиб қолган минг-минглаб аёлларнинг тақдирини ўзгартирди. Мен ҳам шу

Муҳаббат Тўрабоева
«ISHONCH»

АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши Маҳаллалар уюшмаси ҳамда Маънавият ва маърифат марказининг вилоят бўлимлари, спорт бошқармаси, «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ билан ҳамкорлик меморандумлар имзолади.



Кўҳна манзилларда

Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмасининг Оҳангарон шаҳри, Бекобод ҳамда Бўка туманлари кенгашлари ташаббуси билан ушбу ҳудудлардаги мактаб ва боғчаларда ишловчи 300 нафардан зиёд ходимнинг Бухоро ва Самарқандга саёҳати уюштирилди.

– Неча йиллардан буён Бухоро ва Самарқандга боришни ният қилиб юрад

дим, – дейди Бекобод туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси Нафиса Дўсмонова. – Бизга қаратилган бу эътибордан жуда мамнун бўлдим. Саёҳатимиз Бухоронинг «Етти пир» мажмуасидан бошланиб, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуаси, Регистон майдони, Амир Темури, Шохизинда мақбаралари, Мирзо Улугбек расадхонаси зиёрати билан давом этди. Бу жараёнда ушбу ҳудудлар тарихи ва мустақиллик йилларида барпо этилган бунёдкорлик мажмуалари тўғрисида катта таассуротларга эга бўлдик.

лан давом этди. Бу жараёнда ушбу ҳудудлар тарихи ва мустақиллик йилларида барпо этилган бунёдкорлик мажмуалари тўғрисида катта таассуротларга эга бўлдик.

Равшаной ҒАЗИЕВА,
Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Ички туризм

Муҳокама

МЕҲНАТ ЖАМОАСИ МАНФААТЛАРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Наманган вилоятидаги «Ўзметмашсаноат» тармоқлари ходимлари касаб уюшмаси вилоят кенгаши тизимига қарашли «УзЧасис» қўшма корхонасида меҳнат жамоасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2023–2026 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2025 йилги ижроси таҳлил қилиниб, келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидланишича, жамоа шартномаси ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ҳужжат вазифасини ўтамоқда. Жумладан, 2025 йил давомида касаб уюшмаси маблағлари ҳисобидан 52 нафар ишчига 113 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. 17 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларига дам олиш масканларига йўлланмалар берилди. Пенсия ёшига етган фидойи ходимлар муносиб рағбатлантирилиб, уларга эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун 110 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Корхона томонидан меҳнат таътили даврида даволашни харажатлари

учун эса 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Йил давомида маданий-оммавий тадбирлар, байрамлар муносабати билан ходимлар рағбатлантирилди, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди ва турли мусобақалар ғолиблари тақдирланди. Бундан ташқари, ишчи-ходимларнинг фарзандларига ўқув қуроллари, янги йил совғалари берилиб, маданий тадбирлар ташкил этилди. Умуман олганда, 2025 йилда жамоа шартномаси доирасида жами 1 миллиард 174 миллион сўмдан зиёд маблағ ишчи-ходимлар манфаати йўлида сарфланди.

Йиғилишда 2026–2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси ҳам муҳокама қилинди. Унда ходимларнинг

меҳнат шартномасини янада яхшилаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, маданий ва маънавий муҳитни ривожлантириш каби устувор вазифалар белгилаб олинди.

– Кейинги йилларда корхонамиздаги шарт-шароитлар сезиларли даражада яхшиланди, – дейди корхона ишчиси Илҳомжон Тожибоев. – Жамоа шартномаси асосида меҳнат хавфсизлиги, иш жойларининг қулайлиги ва дам олиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу бизга янада самарали ишлаш имконини бермоқда.

Аҳмадали АҲМЕДОВ,
«Ўзметмашсаноат» касаб уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси

Наврўз шукуҳи

ижтимоий иш, менежмент, меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлиги, психология, бухгалтерия ҳисоби, метрология ва стандартлаш, иқтисод каби йўналишларда таҳсил олаётган талабалар, айниқса, фаол бўлишди.

Тадбир давомида «Яшил макон» умумийлик лойиҳаси доирасида академия ҳудудида 1000 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Йиғилганлар қалбида байрамона хушқайфият ва тинч-осуда, фақат байрамлар ярашадиган юртда яшаётганимиздан шукроналик туйғулари яна бир бор ўз ифодасини топди.

Нигора ҲАЙТАЛИЕВА,
Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси матбуот котиби

Меморандум

Бугунги кунда касаб уюшмалари томонидан «Аёллар дафтари» рўйхатини шакллантиришда маҳаллалар билан биргаликда олиб борилаётган ишлар, яъни эҳтиёжманд хотин-қизларни аниқлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлашда бу каби алоқаларнинг аҳамияти катта.


Спорт соҳаси билан ҳамкорлик эса алоҳида ўрин тутди. Шу боис вилоят спорт бошқармаси билан имзоланган меморандум соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим қадам ҳисобланади.

Ахборот майдонидаги ҳамкорлик ҳам эътибордан четда қолмаган. «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси муассислигида нашр этиладиган «Ishonch» газетаси муштарийлар қўлига ўз вақтида етказилишини таъминлайди. Бу аҳолининг касаб уюшмалари фаолияти, ижтимоий ташаббуслари ва амалга оширилаётган ислохотлар билан танишишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Маънавият ва маърифат маркази – тизимнинг маънавий устуни. Ушбу марказ иштирокида олиб борилаётган тарғибот ишлари инсон онги, дунёқараши ва қадриятларини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

– Бу меморандумлар, аввало, амалий ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади. Биз учун, энг муҳими, ҳужжатни имзолаш эмас, балки у орқали юксак натижаларни қўлга киритишдан иборатдир. Маҳаллалар билан қўлдан ишлаш, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш устувор вазифамиздир, – деди Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси Муҳаммадқосим Олимов.

Адолат АКРАМОВА,
Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари



Беруний туманида яшовчи Наргиза (исми ўзгартирилган) фарзандлари таъминоти учун белгиланган алимент пулини ундириш мақсадида бир неча бор мутасадди идоралар эшигига бош суққан. Бироқ, унинг айтишича, мурожаатлари узок вақт давомида натижа бермаган.

ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Бу аёл II гуруҳ ногирони бўлиб, алимент оиласи учун ҳаётий аҳамиятга эга. Шунга қарамай, собиқ эри тўловларни амалга оширмаган ва қарздорлик йил сайин ошиб бораверган. Жорий йилнинг март ҳолатига кўра, унинг миқдори 9 миллион сўмдан ортиган.

Вазиятдаги бурилиш унинг Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га кўнгирок қилганидан кейин қузатилди. Шикоят хати тезда ўрганилиб, амалий чоралар кўрилди. Натижада қарздордан жами 2 миллион 144 минг сўм алимент маблағи ундирилиб, мурожаатчининг банк картасига ўтказилди.

Тахлиллар давомида қарздор расман доимий даромадга эга эмаслиги қайд этилган бўлса-да, амалда фермер хўжалигида ишлаб, даромад топиб келаятигани аниқланди. Шу асосда унинг иш ҳақидан алимент маблағларини ушлаб қолиш бўйича тегишли чоралар белгиланди.

Фотима АБДУРАЙМОВА
«ISHONCH»

Конференция

«Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятида меҳнат жамоасининг навбатдаги конференцияси юқори савияда ташкил этилди. Унда корхонада 2023–2026 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2025 йилги ижроси кўриб чиқилди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЯНАДА КУЧАЯДИ

«Қизилқумцемент»да жамоа шартномаси ижроси муҳокама қилинди

Тадбир давомида жамоа шартномаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳар томонлама таҳлил этилди. Эришилган натижалар билан бир қаторда, мавжуд муаммолар ҳам очиб муҳокама қилинди. Айниқса, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, иш жойларида хавфсизликни таъминлаш ҳамда меҳнат шартномасини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор берилди.

Конференцияда соҳанинг етакчи вакиллари ҳам қатнашиб, ўз маърузаларида мамлакатимизда ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш ва меҳнат муносабатларини замон талаблари асосида ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотларга тўхталдилар.

Муҳокамалар жараёнида иштирокчилар томонидан қатор таклифлар илгари сурилди. Ходимларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалари шулар жумласидан.

Йиғилиш якунида 2026–2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси қабул қилиниб, уни изчил амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Ишончимиз комилки, бу ҳужжат корхонада меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш, ходимлар учун муносиб меҳнат шартномасини яратиш ва ижтимоий ҳимояни кучайтиришга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

АКАДЕМИЯДА ТАЛАБАЛАР САЙЛИ



Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар!» шиори остида талабалар сайли ташкил этилди.

Академия ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Сайфулла Аҳмедов барча меҳмонлар ва иштирокчиларни миллий байрагимиз, гўзаллик ва яшариш айёми Наврўзи олам билан табриклади. Шундан сўнг, академия ҳудудида ташкил этилган «Фахрий меҳмонлар аллеяси» ва унда барпо этилган стелла, яъни рамзий иншоот очилди.

Республикамиз ҳудудларидаги урф-одат ва анъаналар билан талабаларни яқиндан таништириш мақсадида тақдимотлар тайёрланди. Тала

балар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг кийим-кечаклари, миллий таомлари, кашта ва бошқа безак воситалари, урф-одатлари акс этган кўргазмаларни намойиш этишди, шунингдек, миллий ўйинлар, лапарлар, айтишувларни тайёрлаб ижро қилишди. Дастурхонга сумалак, ҳалим, норин, кўк сомса, кўк чучвара, чак-чак, ҳалвойтар, тухумбарак тортилди.

Қизикарли беллашувлар асосида ташкил этилган тадбирда юриспруденция, инсон ресурсларини бошқариш, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги,

Жаҳон равшан зиёи илмдандур,
Кўнгил софи сафойи илмдандур.
Анбар Отин

ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА ЖУРНАЛИСТИКА Таҳлил, таққос, тажриба ва хулосалар



аудитория қизиқиши ва баҳслашиши маданияти ўртасидаги мувоозанатни сақлаш зарур».

ХУЛОСА: ЖАРАЁН БОШЛАНГАН, ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БОР, КЕЛГУСИ ҲАРАКАТЛАР ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ушбу саволга юзлаб, минглаб талабаларни журналистикага олиб кираётган, амалиётни ҳам назарияни ҳам яхши билган, тажрибали ва компетенцияда қузатувчи бўлган иштирокчиларнинг мулоҳазалари орқали жавоб берамиз.

Ҳалим САИДОВ, филология фанлари доктори, профессор:

– Бизда анча вақт илм олами ва амалиётчилар орасида узлиши бўлиб қолган. Ушбу конференция ана шу узлишни тиклади. Гап матбуотнинг конвергенцияси ҳақида кетар экан, бош муҳаррирларни бу каби илмий конференцияларга, қолаверса, илмга тортишимиз зарур. Чунки илми хурмат қилмаган бош муҳаррир бундай ўзгаришларни қилолмайди. Шу билан бирга, олимлар ва амалиётчиларнинг бир даврага йиғилишига сабабчи бўлган, бунга шароит яратиб берган касба уюшмалари Федерацияси раҳбариятига ҳам барча иштирокчилар номидан миннатдорчилик билдираман. Бугун илм байрами бўлди, десам, янглишмайман.



Конференцияда чиқишлари билан иштирок этган тадқиқотчилар бош мавзунинг ҳар хил жиҳатларини очиб беришиди. «Ishonch» газетаси илмга асосланган иш қилган. Шунинг учун ҳам унинг буғунги иш қилишига замонага мослашиш нуктаи назаридан тўғри келмади. Кундан-кунга янги тенденциялар пайдо бўлади, янги талаблар келиб чиқади. Бунда, албатта, илм аҳли билан ҳамкорликда иш тутган, назария ва амалиётни уйғунлаштирган тахририятлар ютади. Демак, бундай анжуманлар ва ҳамкорлик бардавом бўлиши фақат фойдали деб ўйлайман.

Садоқат МАХСУМОВА, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент:

– Ушбу халқаро илмий-амалий конференция ўзбек медиасида янги даврни очиб берди. Негаки, шу кунга қадар тадқиқот ва амалиёт бир даврада, бундай катта масштабда юзма-юз келмаган эди.

Масс-медиа соҳасидаги янги тенденциялар, дунёнинг ТОП наشريларида ўзини оқлаган тажрибалар борасида қўлаб тадқиқотлар олиб борилаётган, аммо барчаси ҳам «ўз эгаси»га – реал амалиётга етиб бормаётган. Бугунги мулоқот айни ушбу чегараларни бузди: тадқиқотчи ва амалиётчи бир нуктада бирлаштириди.

Хорижда бирор муаммо юзага келса, ечим тавкал ёки кўр-кўрона тақлид билан эмас, аниқ изланиш натижалари асосида топилди. Конференция айнан мана шу занжирни боғлагани борасида аҳамиятлидир. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» наشريларининг конвергенция шароитида мослашуви, алгоритмик платформаларда иш ташкил қилиш ва замонавий журналистик арсеналини яратиш каби мавзулардаги чиқишлари кўпчилик учун фойдали бўлди.

Баъзида биз фақат янгилик ортидан қувамиз, турли андозаларга асосланган. «Ishonch» эса янгиликни ўзи яратди. Аслида бугунги «суноқлашиб» кетган медиа муҳитида аудиторияни ишончли қозониш осон эмас. Форматдаги мослашувлар контент сифатида таъсир этмаслиги зарур. Зеро, медианинг бош вазифаси – аудиторияни фикрлашга ундаш. Ах ҳолда, унинг оддий «контент яратувчи»дан фарқи қолмайди.

Баъзида биз фақат янгилик ортидан қувамиз, турли андозаларга асосланган. «Ishonch» эса янгиликни ўзи яратди. Аслида бугунги «суноқлашиб» кетган медиа муҳитида аудиторияни ишончли қозониш осон эмас. Форматдаги мослашувлар контент сифатида таъсир этмаслиги зарур. Зеро, медианинг бош вазифаси – аудиторияни фикрлашга ундаш. Ах ҳолда, унинг оддий «контент яратувчи»дан фарқи қолмайди.

Назира ТОШПЎЛТОВА, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Инсон ҳуқуқлари ва медиа кафедраси mudiri, профессор:

– Шу соҳада фаолият олиб бораётган олимпиада сифатида айташим мумкин, конференция медиа соҳасида изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар учун ҳам, бошқа наشريлардан иштирок этган бош муҳаррирлар ва журналистлар учун ҳам том маънода «маҳорат дарси» бўлди. Бизга матбуотимиз ривожланишига ёрдам берадиган айнан мана шундай аниқ масала ва унинг барча жиҳатларини қамраб оладиган конференциялар керак.

Ахборот технологиялари асрида яшашимиз. Буни ҳар биримиз – оддий журналистдан тортган, бош муҳарриргача англаб олишимиз ва унга мослашимиз зарур. Буни даврнинг ўзи алақачон тақозо этиб бўлган. Энди аудиторияни газетон, тингловчи, томошабин, фойдаланувчига ажратмай, асосий эътиборни ахборот истеъмолчисига қаратиш керак. Бунинг учун ахборот узатишнинг матни, овозли, тасвири шакллари кўшан ҳолда қизиқарли контент яратиш зарур. Шу йўлда ҳаракат қилаётган «Янги Ўзбекистон» – «Правда Востока», «Жаҳид», «Хуррият», «Зарафшон» сингаги айрим наширлар муайян ижобий натижаларга эришмоқда. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти эса бу борада етакчи сифатида босма наширдан, замонавий медиаплатформага айланмоқда.



Бугунги журналистика анъанавий чегаралардан чиқиб, мутлақо янги босқичга қадам қўймоқда. Энди ахборот фақат матн ёки эфир орқали эмас, бир вақтнинг ўзида видео, аудио, инфографика ва рақамли платформаларда кенг аудиторияга етказилмоқда. Бу жараён имкониятларни кенгайтириш билан бирга, масъулиятни ҳам оширади. Чунки ахборот тезлиги жадаллашган ва уларнинг хилма-хиллиги юқори бўлган бир пайтда ишончлиликни сақлаб қолиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Яқинда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган «Касба уюшмалари наشريлар трансформация шароитида: конвергенция сари йўл» мавзусидаги илмий-амалий халқаро конференция ана шу каби масалаларни кун тартибига олиб чиққани, ечимлар ва таклифларга бой бўлгани билан аҳамиятлидир.

«Ishonch» газетасининг аввалги сонидан анжуманда қатнашган хорижлик меҳмонлар фикрларига кенг ўрин берилган эди. Бугун маҳаллий мутахассислар фикр-мулоҳазалари, таҳлилларига эътибор қаратамиз.

АХБОРОТ МАКОНИДА КОНВЕРГЕНЦИЯ НИМА ВА НЕГА ЗАРУР?

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, тадқиқотчи Ҳамид Мирсултонованинг таъкидлашича, 2026 йил март ойи ҳолатига кўра, дунё аҳолиси 8 миллиард 282 миллионга етди. Дунёдаги интернет фойдаланувчиларининг, ёшидан қатъи назар, 93,8 фоизи ҳар доим ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Ижтимоий тармоқлардаги ўз саҳифаларига шахсий янгиликларни билан бирга, жамият ҳаётига дахлдор хабарларни ҳам юкляб боришади. Энг эътиборлиси, мазкур тенденция анъанавий ОАВ аудиториясини қисқартирмоқда. ОАВ рақобатбардош бўлиш учун электрон шаклга ўтиш билан бирга, ижтимоий тармоқларда ҳам ўз платформаларини яратди. Энг асосийси, журналистлар тадбирлар, турли ташкилотлар ва факултада ҳолатларда дуч келиб қолган воқеаларни ёритиш билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий тармоқларда тарқатаётган жамият ҳаёти билан ижтимоий тармоқларнинг ҳам кузатиб боришмоқда. Шу нуктаи назардан қаралса, медиа конвергенция – бу илгари алоҳида бўлган ахборот-коммуникация воситаларининг бирлашиб, интеграциялашуви ҳодисасидир. Масалан, битта мобил телефон орқали ҳозир нафақат кўнгирак қилиш, балки расмга ва видеога олиш, ижтимоий тармоқда мулоқот қилиш ва янгилик ўқиш имкониятлари берилаётган кетди. Бу жараён медиа-товарлар қандай яратилиши ва истеъмол қилинишини ўзгартирди. Хорижлик олим Х.Женкиннинг фикрича, конвергенция нафақат технологик ўзгариш, балки мавжуд сановатлар, бозорлар, жанрлар ва аудиториялар ўртасидаги муносабатларни ҳам тубдан ўзгартиради.

ҚАЙСИ ЙЎЛДАН БОРГАН МАЪКУЛ?

Конференцияда босқичма-босқич конвергентлашган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририятининг фаолиятига бағишланган тақдиротлар ҳам бўлди. Масалан, тадқиқотчи Махфират Худойбердиева постжурналистика, яъни «Ҳақиқий, тоза ахборот беришдан кўра, ҳиссиётлар уйғотувчи, манипуляция қилувчи, чақирқилар ва лайкбозликка, аудитория диққатини жалб қилишга қаратилган медиа маконда қайси йўлдан борган маъқул?» деган муҳим масалани ўртага ташлади ва унга касба уюшмалари наشريни ривожлантириш нуктаи назаридан бир қатор таклифларини билдирди:

– Ахборотни шунчаки тарқатиш эмас, балки визуал контент (видео, инфографика) орқали таъсир ўтказиш, дата-журналистикдан фойдаланиб, ишчиларини аҳолини рақамлар ва қиссий таҳлиллар билан исботлаш, тезкор муносабат (reactive communication) тизимини йўлга қўйиш лозим. Касба уюшмалари постжурналистикани фақат «хавф» деб эмас, балки кенг омма билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш учун қўдратли қурол сифатида қабул қилишлари керак. Германияда касба уюшмалари анъанавий босма наширлардан воз кечмаган ҳолда, постжурналистик трендларни ўз фаолиятига муваффақиятли татбиқ этган. Масалан, энг йирик касба уюшмаси – IG Metall (Металлургия санавоти ишчилари уюшмаси) ўз ижтимоий тармоқларида куруқ қисий байнотлар ўрнига «Иш жойидаги қаҳрамонлар» номли туркум видеоларни чиқаради. Профессional операторлар томонидан олинган қисқа (Reels/TikTok услубидаги) видеоларда оддий ишчининг кундалик қийинчиликлари ва уюшма ёрдамида эришган галабаси ҳикоя қили-

нади. Натижада бундай контент «вирусли» тарқалади ва нафақат касба уюшмалари аъзолари, балки кенг жамоатчиликда ҳам ҳайрихоҳлик уйғотади.

YOU TUBE, INSTAGRAM, TELEGRAM УЧУН МЕДИАСТРАТЕГИЯ ЗАРУР

Тахририятларнинг замонавий форматларга ўтиши ҳақида гап кетар экан, сўзсиз бу ижтимоий тармоқлар – You Tube, Instagram, Telegramларсиз бўлмаслиги маълум. Чунки бугун одамлар энг тез ахборотни ижтимоий тармоқлардан олишаётган ва ҳатто бу жараёнда сайтлар ҳам ортада қолётгани конференцияда очик таъкидланди. Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчиси, (PhD) Мукаррам Отамуродова «Ishonch»нинг ижтимоий тармоқларида саҳифаларини таҳлил қилар экан, ҳар бир ижтимоий тармоқ учун алоҳида ривожланиш стратегияси тизулиши зарурлигини айтди. Instagramда асосан ахборот бериш устунилик қилаётганини, Telegram каналда эса контент жойлаштириш мунтазам ва оператив характерга эгалиги, сарлавҳалар аудитория эътиборини жалб қилишга йўналтирилгани, ахборот етказиш тезлиги юқори даражада экани, бироқ интерактивлигини, яъни изоҳлар, муҳокамаларни ҳам етарли даражада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади:

– Ижтимоий тармоқларда фақат ахборот етказиш эмас, балки фойдаланувчи билан ўзаро алоқани кучайтириш ҳам муҳим ҳисобланади. Шу боис Telegram саҳифасида сўровномалар, муҳокамалар ва қайта алоқа механизмларини кенг жорий этиш медиа-стратегия самарадорлигини оширади. Apple et al (2020) тадқиқотларига кўра, визуал контент ва қисқа видео форматлар фойдаланувчи эътиборини жалб қилишда энг самарали воситалардан бири саналади. Шу сабабли, Instagramда ягона дизайн ва бренд услубини етарли даражада шакллантириш, «реел» ва «сторис» сторителлинг, қисқа видеолар ва эмоционал контентни кўпайтириш муҳим стратегик йўналиш бўлиши лозим. Аудитория билан интерактив алоқани яхшилаш устида ҳам жиддий ишлаш жоиз. Бундан ташқари, «Ishonch» газетаси учун You Tubeда қуйидаги стратегик имкониятлар мавжуд: таҳлилий ва шарҳловчи видеолар тайёрлаш, интересо ва махсус репортажлар яратиш, видео орқали аудитория билан ишончли алоқа ўрнатилиш. «Diveed et al» (2021) таъкидлашича, видео контент фойдаланувчи билан эмоционал алоқа ўрнатилиши энг самарали форматлардан бири ҳисобланади. Шу нуктаи назардан, You Tube платформасини фол ривожлантириш медиастратегиянинг муҳим қисми бўлиши лозим.

ДАРОМАД МАНБАЛАРИ НИМАГА АСОСЛАНДИ?

Шу ўринда савол туғилади: анъанавий медиа қисқариши билан қайси манбадан ахборот воситалари конвергенциялашар экан, улар ниманинг ҳисобидан «яшаб қолади?». Чунки замонавий форматдаги тахририятда ҳам журналистлар меҳнат қилади. Бу саволга конференция иштирокчиларидан бири, Гутенберг университети докторанти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети катта ўқитувчиси Аъзамжон Дадахонов ўз чикишида маҳаллий ва халқаро тажрибалар мисолида жавоб берди:

– Медиа конвергенция шароитида тахририятга маблағлар реклама, обуна (субскрипцион), фремиум, ҳимийлик реклама ва платформаларо ҳамкорлик йўллари орқали келади. Турли монетизация моделлари шаклланиб, амалиётга кенг жорий этилмоқда. Улар орасида энг кенг тарқалган реклама модели. Бунда медиа компаниялари аудиториясини реклама билан боғлаб, рекламачилар учун кўриниш жойларини сотади. Рекламадаги асосий даромад механикаси – тарғиботчи маҳсулотни ёки хизматларни акс этган баннер, видео ёки матнли жойлар учун тўлов олиш. Телерадио каналларида, интернет-сайтларда, ижтимоий тармоқларда реклама баннерлари, ҳимийлик контентни ва видеореклама шаклида бўлади. Бу моделнинг афзалликлари: катта аудиторияга эга платформаларда юқори даромад; рекламалар турли форматларда чиқиши мумкинлиги; фойдаланувчидан тўлов талаб қилинмаслиги қабиладир. Камчиликлари эса рекламачилар бозори тебранишга мойил (иқтисодий пасайишларда реклама бюджетни қисқаради); блокловчилар ва «Кўришга қараб тўлов» («Piper View») хизматлари тўғрисида реал кўриниш камайиши; фойдаланувчилар орасида рекламага қарши чарқоқ юзага келишидир. Масалан, онлайн наширлар Google Ad Manager ёки маҳаллий DSP платформаларига уланшиш, мақсадли аудиторияни аниқлаш, баннер ва видео резерв элементларини яратиш орқали бошлашлари мумкин. Ўзбекистон мисолида (2018 йилдаги панел) маълумотларига кўра, интернет-наширларнинг асосий даромади ҳанузгача рекламадан келади.

А.Дадахонов обуна ва пулли контент моделлини ҳам атрофлича тушунириб берди. Айрим бошловчи сайтлар ва конвергентлашган тахририятларда бу борада тажриба ва мутахассислар етишмаслигини ҳисобга олсак, бу чикиш тайёр ишлайдиган моделларни тақдим этигани билан аҳамиятлидир.

Тақдимотда айтилишича, обуна ва пулли контент модели аудиториядан доимий тўлов олишга асосланган бўлиб, медиа (газета, журнал, интернет-нашр, мобил илова) ичида эксклюзив контент яратиб, фойдаланувчилардан ойига ёки йилига маълум миқдор эвазига обуна бўлишини талаб қилади. Масалан, дунё миксидида The New York Times каби наширлар миллионлаб пулли обуначиларга эга ва рақамли обуна даромади миллиард долларларни ташкил этади. Шунингдек, обунанинг турли вариантлари бўлиши мумкин: фақат мақола тўплами, кўнгилоқар хизматлар, мобил иловалар, махсус клублар ва ҳоказо.

МАҲОРАТ КОНВЕРГЕНЦИЯНИ ТЕСЛАШТИРАДИ

Хар қандай ўзгариш одамнинг фикрларидан бошланади. Тахририятдаги ўзгариш эса ана шундай фикри ва дунёқараш уйғоқ, ахборот технологиялари билан дўстлашган журналистлар билан амалга ошади. Бунинг учун журналист, аввало, кўп қиррали фикрловчи, тезкор ва биргина мобил телефони орқали баъзида ҳам журналист, ҳам оператор, ҳам монтажчи бўлишига тўғри келади. Бу эса осон эмас. Шу боис тахририятлар ходимларининг тез-тез малака оширишини таъминлаб, уларнинг технологияни самарали қўллашига эришиши лозим. Тадқиқотчи Соҳиба Муллаева (PhD) бугунги газеталарни кузатиб бораётганини, мақолалар савияси, мазмун кучли бўлишига қарамай, контент яратиш ва узатишга анъанавийлик ҳали устунилик қилаётганини таъкидлади:

– Тўғри, мухбирлар матн+видео+фото форматидан иш олиб боришади. Аммо шу учта форматни ҳам бирдек ва бир вақтда ўзи қила оладиган конвергент ходимлар камчилиги ташкил қилади. Кўп ҳолларда видео ва фото маҳсулотларни оператор ва фотомухбирлар тайёрлаб, муаллифга беришади. Ҳудудий мухбирларнинг ўзи ҳамма форматда тенг контент ярата олмас, тахририятга жўнатади ва тахририятдаги монтажчилар томонидан қайта ишлаб берилади. СИ технологияларидан эса ҳозирча фақат расмларни яратишда фойдаланишаётганини таъкидлаш ўрикли. Бу вазифани журналистлар эмас, айнан техник ходимлар бажараётгани эса журналистларнинг бу борадаги салоҳияти етарли эмас, деган хулосани беради. Мамлакатдаги ақсарият наشريлардаги ҳолатни шундай дейиш мумкин. Бундан фақатгина кадрларини малакасини ошириш орқалигина чиқиш мумкин.

МАДАНИЙТЛИ БАҲС ЗАРУРАТИ

Анжумандаги ҳар бир маъруза умумий мавзунинг қайсидадир жиҳатини чуқур таҳлил қилгани, мавжуд вазиятга кўзгу тутгани билан эътиборли. Масалан, Эътиқод Атақулованинг (PhD) полемик (баҳс-мунозарали) мавзуларнинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги ўрни ҳақидаги маърузасида ўзбек медиа оламида кечаётган муаммо, аниқча, ижтимоий тармоқларда бир-бирининг фикрини хурмат қилмаслиги, қароратли сўзларга ўтиб кетиш, баҳслашиш маданиятининг етишмаслиги тилга олинади. Ва айнан полемик мақола ҳамда контентларни кўпайтириш, бунда журналистларнинг тўғри ҳамда профессионал ёндашуви таъсирли жамоатчилик орасида бир-бирини хурмат қилган ҳолда ўз фикрини баён этиш, ўзгалар фикрига тоқатли бўлиш каби хусусиятларни ҳам ривожлантириш масаласи кўтарилади. Маърузачи «Ishonch» газетасида эълон қилганган полемик мақолалар мисолида мавзунинг аудиторияга тушунириди:

– Полемик мавзулар жамоатчилик фикрини шакллантиришда бир қатор ижобий имкониятларни тақдим этади. Биринчидан, плюрализмга кенг имконият бериб, турли нуктаи назарлар очиб муҳокама қилинишига шароит яратади. Иккинчидан, танқидий фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади. Учунчидан, аудитория турли позицияларни солиштириш орқали мустақил хулоса чиқаришга ҳаракат қилади.

Бирок полемик контент айрим ҳолларда манипулятив характер касб этиб, аудиторияни чағалитиш, маълум позицияни сувғий равишда кучайтириш ёки мавзу долзарблиги қолиб шахсиятга, обрўслантиришга, кези келганда, нафрат ва адоват тили қўлланганлигини кўриш мумкин. Айниқса, фейк ахборотлар ва текширилмаган маълумотларнинг полемик шаклда тақдим этилиши жамоатчилик фикри нотўғри шаклланишига олиб келиши эҳтимоли юқори. Шу боис ахборот эркинлиги, журналистик масъулият ва профессионал ёндашув орқали

«КАСАБА УЮШМАЛАРИ НАШРЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА: КОНВЕРГЕНЦИЯ САРИ ЙЎЛ» мавзусидаги илмий-амалий халқаро конференция тафсилотлари билан «Ishonch»нинг Телеграм ва Youtubeдаги саҳифаларида батафсил танишинг:

Саҳифани «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг лауреати» кўкрак нишони соҳибаси, «ISHONCH» мухбири Зебо НАМЗООВА тайёрлади.

**Дарахдан мева оламан десанг,
уни ниҳоллик даврдан парвариш қил.
Ўзбек халқ мақоли**

САМАРҚАНД ҲАЙРАТЛАРИ



Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Касаба уюшмалари нашрлари трансформация шароитида: конвергенция сари йўл» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркия давлатлари касаба уюшмалари нашрлари вакиллари иштирок этишти.

Анжуманинг иккинчи куни хорижлик меҳмонлар Самарқанд сари йўли олишти. Улар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши масъул ходимлари томонидан қарнай-сурнай садолари ва нон, ширинликлар билан кутиб олинди. Дастлабки манзил яқинда Пайариқ туманида қай-

тадан бунёд этилган Имом Бухорий мажмуаси бўлди. Конференция иштирокчилари ҳадисшунос олим мақбарасини зиёрат қилишти.

– Бутун бундай биродарлик, меҳмондўстлик туфайли биз энг қадимий ва энг гўзал шаҳарлардан бири Самарқанддამиз, – деди Қозоғистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси

қошидаги Касаба уюшмалари алоқа маркази директори Гулмира Каракозова. – Асарлари бутун мусулмон дунёси учун жуда муҳим бўлган шахс Имом ал-Бухорий мажмуаси бизни ҳайратга солди. Бундай ажойиб маскан учун, тарихни улуғлагани, шундай гўзал ва муқаддас жойлар барпо этилаётгани учун Президент Шавкат Мирзиёевга раҳмат айтамин. Ахир, бир миллат ўз илдизини шундай ардоқласа, унинг келажиги албатта пролоқ бўлади.

Шундан сўнг меҳмонлар «Маҳдуми Аъзам» ва «Амир Темури макбараси» зиёратгоҳларида бўлишти.

– Озарбайжон ва Ўзбекистон жуда яқин дўст, қардош мамлакатлардир, – дейди Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси Медиа ва коммуникациялар бўлими оммавий ахборот воситалари билан ишлаш сектори мутахассиси Саадат Хакиева. – Бизнинг дўстлигимиз юқори даражада, давлат даражасида амалга оширилади. Чунки юртрларимиз раҳбарларининг сиёсий иродаси билан барча соҳаларда ҳамкорлик ривожланмоқда. Бундай таширлардан сўнг дўстлигимиз мустаҳкамланиб, янада ях-



Саёҳат

шиланади. Самарқанддай азим шаҳарга бугунги саёҳатимиз ёдимизда бир умр қолади.

Меҳмонлар кўнглидаги ҳайратларини, қувончу миннатдорчиликларини айтиб ўтдилар. Регистон майдонидаги мадрасалар уларнинг келгуси сафарлари учун соғинч маёғи бўлиб қолади. Сураатлар эса нафақат тарихга, юракларга муҳрланди.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА
«ISHONCH»
Ёзғоза УМУРЗОҚОВА
олган сураатлар

Мавзуга доир видеоконтентни [ishonch.uz](#)нинг телеграм каналида кўришингиз мумкин:



Тарих тилга кирганда...

Бухоронинг қадимий обидалари деворлари, пештоқлари, гумбазлари ва эшик-дарвозаларидаги ёзувлар бир қарашда кишига оддий безакдек туюлиши мумкин. Аслида эса улар шаҳар тарихи ва маданиятига оид маълумотларни ўзида жам этган муҳим манбалар ҳисобланади.

КЎҲНА ДЕВОРЛАРДАГИ СИРЛИ БИТИКЛАР

Битик – тош, ғишт, ёғоч ёки сирланган плиталарга туширилган ёзув бўлиб, у муайян ахборотни келажак авлодларга етказиш учун яратилган. Бухоро обидаларидаги битиклар асрлар давомида шаклланиб, турли тиллар ва ёзув усуллари орқали ифода этилган. Араб истилосидан кейин ушбу ҳудудда араб ёзуви асосий ўринни эгаллай бошлаган ва вақт ўтиши билан юксак санъат даражасига кўтарилган. Шу тариқа хаттотлик, яъни чиройли ёзиш санъати вужудга келиб, ёзувлар ахборот манбаи бўлиш билан бир қаторда, бадий меросга ҳам айланган.

– Бухоро битиклари мазмунига кўра, бир неча турга бўлинади, – дейди тарих фанлари доктори, шарқшунос ва манбаишунос олим Комилжон Раҳимов. – Сиёсий мазмундагилари ҳукмдорларнинг фармон ва қарорларидан иборат. Масалан, Масжиди Калон дарвозасига аҳолини айрим солиқлардан озод қилиш ҳақидаги фармон муҳрланган. Ҳукмдор ўз сиёсатини шу йўл билан халққа етказган.

Тарихий битиклар эса ўзида муайян даврдаги воқеаларни акс эттиради. Чашмаи Айюбдаги ёзувлар Амир Темури давридаги қурилиш ишлари ҳақида маълумот беради. Шу билан бирга, мадрасалар ва масжидлар деворларида шеърли кўчирмалар ҳам мавжуд. Мир Араб мадрасаси ҳужраларидаги тўрт мисрали шеър одамзодни илм олишга ва маънавий юксалишга ундайди. Қуръони карим оятлари ва ҳадисларга дахлдор парчалар ҳам уни тўғри йўлга бошлайди. Тасаввуфий руҳдаги ёзувлар эса инсоннинг ички дунёси, сабр-тоқат, камтарлик ва руҳий покланиш ҳақидаги хикматлардан иборат. Уларни Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси каби муқаддас жойларда қўлаб учратги мумкин.

Олимнинг қайд этишича, Бухоро обидаларини ёзувлар билан безашда қуфий, сулс, насх, настаълиқ каби турли хат усуллари қўлланилган. Уларнинг ҳар бири алоҳида хусусиятга эга бўлиб, матн мазмунига мос равишда танланган. Масалан, расмий ва жиддий матнлар кўпинча қуфий ёки сулсда, шеърли ва бадий матнлар эса настаълиқда девор ёки дарвозаларга нақшланган. Бу битикларда мазмун ва шакл уйғунлигини таъминлаган.

Шу ўринда «Нега деворларга бу қадар кўп маълумотлар ёзиб қолдирилган?» деган савол туғилиши мумкин. Унга жавобан суҳбатдошимиз шундай дейди:

– Биринчидан, у ахборотни оммага етказишнинг энг қулай усули саналади. Иккинчидан, бундай ёзувлар бадийликка хизмат қилади, чунки қоғоз йўқолиши мумкин, аммо тошга ўйиб ёзилган сўзлар асрлар давомида сақланади. Учинчидан, деворлардаги ушбу битиклар тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, масжид ёки мадрасага кирган одамлар уларни ўқийди ва маънавий-руҳий таассурот олади. Айрим битикларда, жумладан, Мирзо Улуғбек мадрасасидаги ёзувларда уста-меъморлар ва хаттотларнинг исмлари ҳам қайд этилган. Шунинг натижасида биз нафақат биноларни, балки уларни барпо этган инсонларни ҳам таниб оламиз.

Бухоро обидаларидаги битиклар шунчаки безак ёки ёзув эмас. Улар тарихий ҳужжат, маънавий дастур, бадий асар ва ахборот манбаи сифатида бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифани бажаради. Шу боис биз уларни ўрганиш жараёнида ўтмиш билан ошно тутинамиз. Бухоронинг ҳақиқий қиёфаси ана шу деворларга битилган сўзлар орқали ҳам намоян бўлади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Телевизорни ёқсам, таниқли қизиқчилардан бири ота-оналарнинг фарзандларини дўппослашига оид воқеани завқ билан қаригиб беряпти. Шунингдек, у илгари ҳар бир мактабда ўқувчилар юрагига қўрқув соладиган, ҳаддидан ошганларни қақшатадиган муаллимлар бўлганини ҳам эсга олди. Томошабинлар уни олқишлаб, баралла кулиб ўтиришгандан билдимки, барчага таниш манзара тилга олинган.

Аслида бу кулги замирида аччиқ ҳақиқат яширин. Яъни, омма томонидан вояга етмаганларни жисмоний жазолаш оддий ҳол, тарбия воситаси сифатида қабул қилинади. Бу борадаги мезон ва қарашларимизни ора-сира ижтимоий тармоқда тарқаладиган боласини ураётган ота-оналар, вояга етмаётганларни дўппослаётган «устоз» ва «тарбиячи»ларнинг видеотасвирлари ҳам маълум даражада акс эттиради.

Айрим кишилар бундай ҳолатлардан ўч олиш омили сифатида фойдаланиши эса янада ачинарли. Жумладан, Россияга кетиб, оиласи таъминотини унутган турмуш ўртоғининг эсини киритиб қўйишга чоғланган аёлнинг гўдагини аёвсиз уриши ёки Туркиядаги рафиқасига аччиқ қилган эркакнинг икки боласини ваҳшийларча тепкилаши акс этган тасвирлар кўпчилигининг юрагини ларзага солгани аниқ.

Аслида нафақат тарбия мақсадида, балки, ҳар қандай вазиятда ҳам куч ишлатиш нотўғри.

Чунки оилада, боғчада, мактабда ўтказилган таъйиқлар ким зўр бўлса, ўша ҳақ деган хулоса уйғотиб, одамни қўрқоққа айлантиради. Оқибатда инсон мустақил фикрламайди, ҳақиқат учун курашишни бефойда деб билади.

Бундай муҳитда ўсганлар ўла-ўлғунича жим юришади. Тўғри, руҳи синиқларни бошқариш осон, аммо галабага эришиб бўлмайди. Чунки улар муҳим қарорлар қабул қилинаётганда катталарнинг буйруғини кутаётган бўлишади. Ўзидан кучлилар, лавозими юқорилар хато қилганда ҳам мум тишлаб тураверадилар. Кема тешиклигини айтолмасдан, жамоа билан бирга жимгина чўкиб кетишади.

Қайсидир раҳбарнинг қўл остидаги ходимларни ҳақоратлаши, ҳатто дўппослаши ҳам зўрликка асосланган тарбия натижасидир. Зотан, ақл етмаган жойда кучга мурожаат қилинади. Зулм ҳаддан ошганда эса, онги мажруҳлар пайдо бўлади. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Зарифбой Ибодуллаевга кўра, оиладаги зўравонлик Гитлер ва Сталинини пси-



хопатга айлантган. Пировардиди улар болаликда чеккан азоблари учун шундай ўч олишдики, башарият бағрида ҳеч қачон ўчмайдиغان чандиклар қолди.

Демоқчи бўлганим, боланинг кийимини тескари кийиши мазах ёки камситишга сабаб бўлмайди, аксинча, масалага ўзгача ёндашув сифатида қараладиган муҳитда мустақил

фикрлайдиган, эркин инсонлар дунёга келади. Ана шундайларга бутун биз орзу қилаётган жамиятни кура олади.

Тайиксиз таълим-тарбия йўлидан заррача оғишмаслик керак. Буни удалай олмаган муаллим ёки тарбиячи ўзига бошқаниш қидириши лозим. Зеро ҳар қандай шўх болага мос ёндашув услублари мавжуд ва улар илғор

давлатларда кенг қўлланилади.

Фикрингиз бошқача бўлса, жазоланаётган бола ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. «Менинг ёшим катта», «Ёшлигимда мени ҳам жазолашган» деган иддаолар ёки фарзандингизни моддий таъминлаётганингиз сизга бировга зугум ўтказиш, фарзандингиз ёки шогирдингизни бахтсиз қилиш ҳуқуқини бермайди.

Ёдда тутинг, заифни азобламоқ кўрқокнинг ишидир. Жорий йил 3 мартда қабул қилинган аёллар ва болаларга нисбатан таъйиқ ва зўравонликларнинг олдини олишга оид Президент фармони ҳам бу масала нечоғлиқ жиддийлигини билдиради.

Қисқаси, болаларни меҳр билан тарбиялар, улуғ ишларга руҳлантиринг, чексиз орзулар қилишга ўргатинг, ўқитинг. Ана шундангина фарзандингизнинг бахтидан, эришган ютуқларидан қувонасиз, гурур туясиз.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

БОЛА ЎЧ ОЛИШ ВОСИТАСИ ЭМАС

Мулоҳаза

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Навоий газалига
Оғаҳий муҳаммаси билан айтилувчи
«СУВОРАИ КОМИЛ» таронаси
Анвар Бекжонов ижросида

Фалакким яхшилар базмида қадримни бандан этмас,
Дами йўқким ямонлар мажмаида мустаманд этмас,
Бу ҳасратдин қўзим ашки йўлин бир лаҳза банд этмас,
Мани ман истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

MUASSIS:
O'zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5009
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosq SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birmunchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSEN'YAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Alijon ABDURAHMONOV

Musahhirlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDULLILOV

Boshiga topshirish vaqti – 22:00
Topshirish – 22:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 55 230 ta
Shundan: 6 558 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 471 nusxasi
«Erudi» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-411**
1 2 3 4 5 6